Нафосат сабоқлари

# АЁЛ — ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ



**Одоб, муомала, дид-фасоҳат — булар бари маънавий дунёмизнинг асл аломатларидир. Бу фазилатларни лўнда қилиб нафосат, деган каломда ифодалаш мумкин.**

**Ўзининг мароқли гурунглари, ибратли ҳикоятлари билан элимизга кенг танилган ижодкор аёл, маънавиятимиз жонкуяри Турсуной Содиқова бошлаган ширин суҳбатларни «Нафосат сабоқлари», деб атадик.**

Жоним ҳалак бўлаверадики, атрофдаги жами одам — неъмат, уларнинг кўзига ботмаслик керак! Кишининг кийимига қараб дастлабки баҳосини берасиз. Унга нисбатан исиш ёки совушингиз шу нуқтадан бошланади. Ранглар, шакллар гапиради, улардан яна нималардир сизга узатилиб туради. Бўямаса, қай бир одамга қараб кўнглингиз яйраб, қай бирини кўрганда кайфиятингиз бузилармиди! «Истарангни иссиқ кўрсатсин» деган дуоларимиз бор: Истара — ёқимтой кўринишингиз, истара — ақл чироғингизнинг юзингизга тушиб турган ёлқини! Ўшандан бенасиб қўймасин!

Аёлнинг энг қизғин харидори — фарзанд! Болага гўзал кўриниш билан юзланмоқ керак. Хунук онани ҳам бола қалби билан севаверади, аммо у ҳар дақиқада ўз онасининг дунёда энг чиройли бўлиб қолишини юраклари оқиб тилайди! Шу тилаклар ҳаққи аёл кўримли юриши керак!

Аслида аёлнинг хунуги йўқ, ёмон феълликлари бор, холос. Ойнакни суймаган, ўзига оро бермаган, худо унга берган неъматларни юзага чиқара олмаган аёл гуноҳкор ва бахтсиздир. Шунинг учун гуноҳкорки, атрофдагиларнинг кўзини зериктирди, уларнинг дидини чиройлимас нарсага кўниктирди, бу — сени кўриб турганларнинг завқ-шавқи камаяди, яшашга муҳаббати сусаяди, дегани! Бир куни бунинг жавобини бериш ҳам бор!

Бундай аёл шунинг учун бахтсизки, у ойнакка қараганда ўзидан яйрамайди, ёнидагиларнинг ундан кўнгли тўлмаётганини сезиб туради, суякларигача оғриқ туяди! Худо сенга уй, ризқли қозон, жуфт, фарзанд берган бўлса-ю, яшнаб кетмасанг, тўғрироғи, яшнай олмасанг!? Шундай тўкинлик ичида-я? Буни бахт ичра бахтсизлик дейдилар!

Ойимлар! Шуни билингким, сиз зоти шарифдурсиз! Баҳорлар рангни, гуллар ифорни, булбуллар сайрашни, наволар оҳангни сиздан олмишлар. Ҳужайраларингизда шу гўзал захиралар кўпчиб туради. Аёл агар жуфтини, боласини, ўзини ихлос билан ҳурмат қилса, Оллоҳга шукронаси бўлса, у берган жисму жонни қандай асраётганини Яратганга кўрсатиб, унинг ризолигини сўрашни астойдил хоҳласа, бир зумда шиғил гуллаб турган ўрик ва ё бодом ниҳолига айлана олади! Ахир, хинолар барқ уриб этагингиздан тортқилаб ўсса, ўсмалар «мен бундаман» деб, товонларингизни ўпиб чорлаб турса, болангизнинг кўзлари оёқларингиз остидан жаннатлар қидирса, жумла жаҳон сизга ўзини илиниб, сизга юкиниб турса, бир силкиниб товусларга айланиб қолмайсизми?!

Уйида ҳам қўлларига хино қўйиб, қошларига ўсма тортиб юрганларни севаман. Анвойи гулларни экишни суядиган, соялари ораста, эски кўйлаги ҳам янгидай турадиган, ёз келса чаккасидан райҳон аримайдиган ҳаётбахш аёлларга ихлосларим бордир! Рўмолининг рангини кўйлагига, кўйлагининг рангини пойжамасига монанд тушириб, ёши-ю қаддига муносиб бичимда кийиниб, оила аъзоларини ҳам шу йўсинда олиб юрадиган аёлнинг уйи йил ўн икки ой баҳордир! Ўзига қараган аёлнинг уйи ҳам саришта бўлгай. Саришта аёл тайёрлаган емак-ичмак луқмаи ҳалолдир. Баракот мана шу уйдадир, саодатмандлик шу уйга кирур! Суҳбатимиз шу ерга келганда андак тин олайлик. Юрагимда асраган сўзларни кейинги мақолада айтсам.

**Турсуной СОДИҚОВА.**



## ҲАЙРАТ

***Шу мурғак боланинг***
***бойлиги — ҳайрат,***
***Чунки кўзларига***
***йўламас рўё.***
***Сиз ҳайрон қоларсиз,***
***бир куни келиб,***
***Унинг кафтларига***
***жо бўлар дунё.***

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.**

## ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ...

- *У ўз вазифасига панжа орасидан қараган эди. Энди панжара орасидан қараяпти.*
- *Менга таянч нуқтасини топиб беринг ва мен қадаҳ сўзимни айтаман.*
- *«Агар»ни «магар»га қилсалар никоҳ, туғилгай бир фарзанд, исмидир «кошки».*

# СОАТ НУҚУЛ ЮРАДИ

*Эҳ, бу ҳозирги журналистларга ҳам ҳайронсан-да. Касбим ёзиш экан деб, катта-кичик мақоласида шу жумла мантиқан тўғрими-йўқми, ишлатаверади. Қаранг, соат нуқул юрармиш. А-а, тўхтаб қоладиган бўлса, уни соат деб, вақт ўлчови деб аташмас эди, ахир.*

*Азиз газетхон-ей. Ҳали рукнимизга ҳам эътироз билдирасиз, шекилли. Ҳа, тўғри-да, гурунг-шоу нимаси энди? Асабингизни асранг, юртдошим. Қуйидаги мусоҳабамиз асло вақт ҳақида эмас. Балки ажойиб инсон, санъаткор, ўзига хос бошловчи, «Иқбол», «Қувноқлар ва зукколар», «Ғолиб курси» ва ниҳоят, «Келин-куёв» сингари шоу кўрсатувлар муаллифи Соат Шарипов билан кечган, ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам бўладиган гурунгимиз баёни шу эрур.*

***Олма-ю, анжиру,***
***шинжир...***
***Кўза-ю, ғўза қўлимда***
***Яллили бобо, ялли.***

*Ҳа, болалик қўшиғи эсингизга тушиб кетдими? Балли. Уни кўпчилик эслайди. Бироқ мана бунисини ҳамма ҳам билмаса керак. Нима, хиргойи қилиб беринг? Марҳамат:*

***Қоронғу тушиб,***
***юлдузлар чиқди.***
***Ҳамма одамлар***
***уйга шошилди.***
***Бизнинг бисотимиз***
***энди очилди.***
***Қўлларим рулда,***
***рулда, ру-улда***
***Так-дум,***
***так-дум, так-дум.***
***Кўзларим йўлда,***
***йў-ўлда.***
***Так-дум...***
***Эл-юрт меҳри***
***доим қалбимда.***

— Ёшлигимда катта-кичик саҳналарда айтиб юрадиган бу ҳазил қўшиғим «Шофёрлар» деб аталади, — дейди Соат ака гурунг-шоумизнинг аввалида самимий қувноқлик билан.

**— Соат ака, юзидан табассум аримайди, деган иборани сизга нисбатан юз фоиз қўллаш мумкин. Айтинг-чи, шу «касаллигингиз»ни бошқаларга юқтира олмайсизми? Ҳар қалай, бу беш кунлик дунёда кулиб яшаганга не етсин.**

— Мени доим қувноқ юради, деганлар майли шу фикрда қолаверсин. Аммо иссиқ жон, айрим ҳолларда асабийлашишга, турли ташвишларни бошдан кечиришга тўғри келади. Қувноқлик «касаллиги»нинг вирусига келсак, у ҳамма инсонларда бор. Фақат ундан фойдалана билиш лозим.



Гурунг-шоу

**— Болалигингизда санъаткор бўлишни орзу қилганмисиз, ё...**

— Биласизми, ёшлигимда синфдош қизлар мени писанд қилишмасди. Шунда, очиқ гап, уларга ҳазиллашиб гапирардим: ҳали кўрасизлар, мен катта бўлганимда телевизорда чиқаман, ўшанда ҳаммангиз ҳавас қиласиз, дердим. Ҳозир улар ҳавас қилади, деб мақтана олмайман-у, бироқ ўша ҳазил ният ушалди.

**— «Келин-куёв» кўрсатуви ҳақида. Баъзилар унинг ижобий томонларини сўзлайди. Бошқалар камчиликларини таъкидлашдан тинмайди. Ҳар қалай, бу шоу одамлар назарида. Айтинг-чи, ўзингиз унинг савиясидан қониқасизми?**

— Ҳамма вақт ҳам эмас. Нега бўлмаса қониқадиган қилиб тайёрламайсиз, деган савол қўйилиши табиий. Сабаби оддий: қониқиш ҳосил қилиш мен учун бир жойда депсиниш ёки орқага кетишни англатади.

**— Балки «Чолу кампир» вариантини ўйлаётгандирсиз...**

— Шундай ниятимиз бор. 1 апрел кулгу кунига шу кўрсатувни тайёрламоқчимиз.

**— 70-80 ёшни қоралаган боболар ва момолар ҳаётда бир-бирларини қандай топганини гапириб берар эканда.**

— Ўйлайманки, бу кўпчилик учун қизиқарли бўлади.

**— Соат ака, сизнинг ашаддий футбол мухлиси эканлигингизни, ҳатто майдонда тўп тепишингизни ҳам кўпчилик яхши билади. Тақдир тақозоси билан санъаткор эмас, футболчи бўлганингизда ҳозирги қайси ўйинчи даражасида тўп сурардингиз?**

— Қай даражада ўйнардим, буни айтолмайман. Аммо таниқли футболчи бўлишим аниқ эди. Чунки қизиқчилик фазилати менда азалдан мавжуд. Масалан, ҳакам менга сариқ карточка кўрсатди. Турли қилиқ кўрсатиб, унинг ўша сариқ қоғозини қайтариб олишини ялиниб-ёлворардим. Ёки мен гол урганда мухлислар олқишласа, уларнинг олдига бориб таъзим қилардим ва ҳоказо.

**— Паловни жуда яхши кўрар эмишсиз?**

— Албатта, ўлдирса ҳам ош ўлдирсин, буни тан оламан. Лекин қовурилган балиқ жону дилим.

**— Ёқтирмайдиган таомингиз-чи?**

— Ҳм-м, келинг мана бу, мана бу дея номларини айтмайин. Чунки шу овқатларни хуштаъм қилиб тайёрлайдиган ошпазлар «кўнгилингизнинг кўчасидан» дея энсалари қотиши мумкин.

**— Яна қандай савол беришимни кутгандингиз?**

— Исмингиз нима учун Соат деб сўрашингизни.

**— Жавоб беринг бўлмаса.**

— Модомики, ўзингиз сўрамадингиз, энди сирлигича қола қолсин. Лекин газетхонларга бир нарсани айтиб қўяй: соатга ўхшаб нуқул юраман, нуқул ҳаракатдаман. Тўхтаб туролмайман...

Гурунг-шоумизнинг интиҳосида нуқул юрадиган Соат акани мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали билан тақдирланганликлари билан табрикладик. Ва бу мукофотдан руҳланиб янги-янги кўрсатувлар тайёрлашига, келажакда ундан-да юксак унвонларга сазовор бўлишига тилак билдирдик.

Гурунг-шоуни «Халқ сўзи» мухбири

**Озод РАЖАБОВ олиб борди.**



## «Интернет» саҳифаларидан...

### ҚИРОЛИЧА ФАРЗАНДЛАРИДАН ТИНЧИБ ҚОЛДИ

Буюк Британия қироличаси Елизавета Иккинчининг машҳурлик шоҳсупасидаги ўрни барчага маълум. Бироқ унинг фарзандлари пешонасига тинч оилавий ҳаёт битмаган кўринади, деб хабар беради «Файнэншл таймс» газетаси. Гап шундаки, 1992 йилда оиладаги ягона қиз — малика Аннанинг Марк Энтони Питер Филипс билан турмуши бузилди. Тўғри, малика ўша йилнинг ўзидаёқ турмуш қурди. Аммо ғишт қолипдан кўчган эди. 1996 йили эса қироличанинг тўнғич фарзанди шаҳзода Чарлз турмуш ўртоғи (марҳума) Леди Диана билан расман ажрашди. Худди шу йили шаҳзода Эндрю ҳам акаси изидан бориб, бўйдоқлар сафига қўшилди.

Хўш, ҳозир қиролича оиласининг ҳаёти қандай кечаяпти? Яхшими, ёмонми, айни кунларда қиролича фарзандларидан анча тинчиб қолганга ўхшайди. Диананинг вафотидан унчалик ҳам куюнмаган Чарлз Камилла Поркер Боул билан алоқасини давом эттираяпти. Малика Анна ўз капитани билан тинчгина даврон сурмоқда. Шаҳзода Эндрю ҳали ҳам дунё гўзалларининг юрагини ёндириш билан овора бўлса, шаҳзода Эдвард эндигина оилавий ҳаёт йўлига қадам қўйди.

### ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРГОҲИГА ЎҒРИ ТУШДИ

Куни кеча номаълум ўғри Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) президенти Табо Мбекининг Кейптаундаги қароргоҳини тунаб кетганлиги барчани ҳайратга солди. Бу вақтда ЖАР президенти БМТнинг «Минг йиллик саммити»да эди. Полициячиларнинг таъкидлашича, ўғри қароргоҳдаги қимматбаҳо буюмларга тегишга улгурмаган бўлса-да, бироқ бир шиша спиртли ичимлик ва музлатгичдаги озиқ-овқатларни олиб кетишга муваффақ бўлган. Мамлакат мулозимлари ўғрига жазо муқаррарлигини айтишмоқда. Лекин ўғри ҳалигача топилгани йўқ.

**Ф. САНАЕВ саралади.**

# «ТОШКЕНТДА ДАВОЛАНАЙ ДЕСАМ...»

***Ҳурматли таҳририят!***

***Кейинги икки йил ичида нафас олиш йўлларим шамоллаб, даволанишга муҳтож бўлиб қолдим. Дўхтирлар қарашяпти, лекин бу хасталикдан тўла халос бўлиб кетолмаяпман. Баъзи танишларим Тошкентга бориб даволанинг, катта профессорлар дардингизга малҳам бўлишади, деб маслаҳат беришяпти. Лекин пойтахтга бориш учун қандай ҳужжатлар керак бўладию, кимга бориб учрашишни билмайман. Илтимос, газетангиз орқали йўл-йўриқ берсангиз.***

**Ҳурмат билан**
**Абдусамад ТОЖИЕВ,**
**Фарғона вилояти.**

## Бир савол

**Газетхон А. Тожиевнинг бу саволига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш- профилактика бош бошқармаси бошлиғи Фарҳод ИЛҲОМОВ жавоб беради.**

— Республика клиникаларида, аввало шуни таъкидлаш жоизки, агар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ёки соҳа бўйича вилоят тиббий муассасасининг йўлланмаси бўлса, беморлар бепул даволанишади. Шунингдек, вилоятлардан келган беморлар республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика бўлими йўлланмаси билан ҳам кўрсатилган клиникаларда бепул текширувдан ўтади ва бепул даволанади. Бунинг учун беморнинг касаллик тарихидан кўчирма, паспорти бўлиши шарт. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бирламчи тиббий тизимда, қатор давлат даволаш муассасаларида ва қишлоқ жойлардаги тиббий муассасаларда шошилинч ёрдам ҳамиша бепул кўрсатилади.

Шунингдек, ижтимоий (сил хасталиги, онкологик, руҳий, наркологик, эндокринологик ва касб) касалликлар билан хасталанган беморлар ҳам бепул даволанадилар.

## ЖУМБОҚ

**Шамолли кунда очиқдан панароқ жойга ўтсак, озгина бўлса-да, иссиқ киради. Айтингчи, шу пайтда термометр очиқ ва пана жойда ҳар хил даражани кўрсатадими?**



**Кечаги сонда берилган жумбоқнинг жавоби:** оталардан бири иккинчисининг ўғли бўлади, яъни бу масалада бува, ота ва невара қатнашган. Бува ўғлига 150 сўм берган. Ўз навбатида ўғил ўз ўғли (невара)га олган 150 сўмининг 100 сўмини берган, яъни ўз жамғармасини атиги 50 сўмга орттирган.

**Ушбу жавобни бизга биринчи бўлиб Сирғали туманидаги 2-Дўстлик мавзеси, 10-уй, 100-хонадонда яшовчи Одилжон Маннонов хабар қилди. Ундан кейин Тошкентдаги Паркент кўчасидан сартарош Баҳодир Зокиров жавобини ёзиб олаётганимизда Хоразмдан қўнғироқ бўлди, Урганч тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан Бозорбой Бобожонов ҳозиргина газетани қўлга олганини айтиб, жумбоқни бир лаҳзада ечди. Энди эса юқоридаги жумбоққа жавобларингизни кутамиз. Телефон: 136-35-60.**

## ● ҲИКМАТ

*Керакка терак йиқилибди.*

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;*
*Ҳуқуқ — 136-07-94;*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;*
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;*
*Халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286, 23728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Навбатчи — М. ХОЛМАТОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.50*
1 2 3 4 5 6